МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

№ ____

Тошкент ш. "__" _____ 20__ й.

"_____" МЧЖ (кейинги ўринларда — Иш берувчи) номидан устав асосида иш юритувчи директор _____ бир томондан, ва _____ (паспорт _____, ЖШШИР _____) (кейинги ўринларда — Ходим) иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ходим _____ лавозимига (касбига) ишга қабул қилинади. Иш жойи: _____.

1.2. Шартнома тури: номуайян муддатга / муайян муддатга "__" _____ 20__ йилгача (кераклисини қолдиринг). Иш асосий / ўриндошлик.

1.3. Ишга киришиш санаси: "__" _____ 20__ й. Дастлабки синов муддати: ____ ой (3 ойдан кўп эмас).

2. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ

2.1. Ҳафталик иш вақти — 40 соат, 5 кунлик иш ҳафтаси; иш вақти 9:00–18:00, тушлик 13:00–14:00.

2.2. Йиллик асосий ҳақ тўланадиган меҳнат таътили — 21 календар кундан кам бўлмаган муддатда.

3. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

3.1. Лавозим маоши: ойига _____ сўм. Иш ҳақи ойига камида икки марта (аванс ва охирги ҳисоб-китоб) банк картасига тўланади.

3.2. Иш ҳақидан қонунчиликда белгиланган солиқлар (ЖШДС) ва мажбурий ажратмалар ушлаб қолинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ходим: лавозим ёриқномасини, ички меҳнат тартиби қоидаларини, меҳнат муҳофазаси талабларини бажариши, тижорат сирини сақлаши шарт.

4.2. Иш берувчи: шартномада назарда тутилган ишни, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаши, иш ҳақини ўз вақтида тўлаши, ходимни ижтимоий суғурта қилиши шарт.

5. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

5.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган асослар ва тартибда бекор қилинади.

6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома икки нусхада тузилди, ҳар бир томонга биттадан берилади. Шартнома my.mehnat.uz ягона миллий меҳнат тизимида рўйхатдан ўтказилади.

Иш берувчи	**Ходим**

Директор: _____ Ходим: _____

М.О. Шартноманинг бир нусхасини олдим: _____